

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил август ойининг 17 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди “Боғ кўча” маҳалла фуқаролар йиғини биносида сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья: А.Юлдашев, судья ёрдамчиси; Ш.Мирмахмудованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурори ўринбосари М.Бердиқиличова, судланувчи С.Садиков ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи “LEGAL CONSULTANT FBJ” адвокатлик фирмаси адвокати Ф.Жалилованинг иштирокида, XXXXXXXXXXга оид 1-345/2021-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXX - XXXXXXкуни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган; Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, XXXXXX, “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисмига асосан айбланган:

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2021 йил 25 май куни “Қора дори 2021” тезкор профилактик тадбири давомида Шайхонтоҳур тумани, Кўксарой кўчаси, 57-уйда яшовчи С.Садиков уйида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш билан шуғулланганлиги аниқланиб, тадбир давомида 4 туп яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар ИИО ходимлари томонидан холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Суд-кимёвий экаспертизасининг 2021 йил 26 майдаги хулосасига кўра, С.Садиковнинг уйдан олинган 4 (тўрт) туп қуритилмаган яшил рангли ўсимликлар таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол моддаси мавжудлиги, бу ўсимликлар «каннабис ўсимлиги» деб аталувчи, ўзида наркотик модда сақловчи ўсимликларга кириб, «марихуана» ва «гашиш» наркотик воситалари олишда хом ашё маҳсулоти бўлиши ҳақида хулоса берган.

Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 2021 йил 18 июндаги 623-сонли далолатномасида судланувчи С.Садиков гиёҳвандликдан тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги ҳақида хулоса берган.

Судда судланувчи, С.Садиков айбига иқрорлик билдириб, 2020 йил декабрь ойининг ўрталарида яшаш уйининг ҳовлисига 4 дона каннабус ўсимлигининг уруғини экиб қўйганлиги, 2021 йил апрель ойининг ўрталарида



каннабус ўсимлигини эккан жойга борганлиги, у ерда каннабус ўсимлигини ўсиб чиққанини кўрганлиги, каннабус ўсимлигини сув бериб парваришламаганлиги, ҳовлисига сув сепилганда каннабус ўсимлиги сепилган сувдан озикланган бўлиши мумкинлиги, каннабус ўсимлигини ўзининг истеъмоли учун экканлиги, 2021 йил 25 май куни соат 14.00 да уйига фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб ўзларини ИИО ходимлари деб таништиришганлиги, улар тезкор тадбир ўтказилаётганлиги ҳақида айтиб уйда тинтув ўтказишганлиги, тинтув давомида ўзи томонидан илқари экиб кўйилган 4 дона каннабус ўсимлиги аниқланганлиги, ушбу 4 дона каннабус ўсимлиги холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинганлиги, ҳозирда қилмишидан пушаймонлиги, суддан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ Ж.Кобилов ИИОда фаолият олиб боришлиги, 2021 йил 25 май куни “Қора дори 2021” тезкор профилактик тадбири ўтказилганлиги, тадбир давомида Шайхонтохур тумани, Кўксарой кўчаси, 57-уйда яшовчи С.Садиков уйда таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш билан шуғулланганлиги аниқланганлиги, тадбир давомида 4 туп яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида тегишли тартибда расмийлаштириб олинганлиги, С.Садиковдан ушбу гиёҳвандлик воситасини нима сабабдан экканлигини сўрашганлиги, С.Садиков ўзининг истеъмоли учун етиштирганлигини айтганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи ва томонларнинг розилиги билан гувоҳ С.Хидировнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатуви ўқиб эшиттирилди.

Суд, судланувчи С.Садиковнинг содир этилган жиноятдаги айби ИИО ходимларининг билдиргилари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотосурат, далилий ашёни олиш тўғрисида баённома, суд-кимёвий экспертиза хулосалари, гиёҳвандлик экспертизаси хулосаси, Тошкент шаҳар нарколомик диспансери хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Садковнинг жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, яъни “Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш”да аломатлари билан тўғри малакаланган деб топади.

Суд, С.Садиковга жазо белгилашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни паст ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси



Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи С.Садиқовга жазо тури ва миқдорини танлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган ЖК 270-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 2021 йил 18 июндаги 623-сонли далолатномасига кўра, судланувчи С.Садиқов гиёҳвандликдан тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги қайд этилганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни лозим топади.

Шунингдек, суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТ ва ХТБ омборхонасида вақтинча сақлаш учун 2021 йил 9 июлда 00630-сонли қвитанция билан топширилган жами 4 туп “каннабус ўсимлиги” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

XXXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

XXXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмига асосан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг назорати XXXXXX) яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ бўлимининг зиммасига юклатилиб, жазо умумий асосларда шу турдаги жазоларни ижросини таъминловчи бўлими томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтаттирилсин, жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXXX) нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТ ва ХТБ омборхонасида вақтинча сақлаш учун учун 2021 йил 9 июлда 00630-сонли қвитанция билан топширилган жами 4 туп “каннабус ўсимлиги”



гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин. Кассация шикояти, протести бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади. Агар шикоятда, протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги тўғрисида, жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар ҳақида оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисида масалалар қўйилган бўлса, ишни кассация тартибида қайта кўришга фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил ичида йўл қўйилади.

Кассация шикояти, протести бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади. Агар шикоятда, протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги тўғрисида, жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар ҳақида, оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисида масалалар қўйилган бўлса, ишни кассация тартибида қайта кўришга фақат ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил ичида йўл қўйилади.

Раислик қилувчи судья

